## . КЎЗЛАР ҚАРОСИНДА САҚЛАНГ ВАТАННИ!




УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА\ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



шанба

Сотувда эркин нархда

**КЎШМА КОРХОНАЛАР** — ИКТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ



Шахрисабз шахридаги қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган Ўзбек — Британия қўшма корхонаси ташкил этилганига тўрт йил бўлди. Шу давр мобайнида корхона хар томонлама ривожланиб, ишлаб чикариш куввати сезиларли даражада ўсди. Биргина ўтган йили жамоада 3081 тонна мева ва сабзавот шарбатлари ишлаб чикарилди. Энг мухими, унинг муайян кисми чет элга экспорт қилинди. Бу йил эса 1800 тонна махсулот тайёрлаш режалаштирилган. Лекин жамоанинг аъзолари ушбу кўрсаткични 2000 тоннага етказиш учун харакат қилиш-

СУРАТЛАРДА: лаборатория ходими Озодахон Саломова иш устида; корхона оператори Зокиржон Сафаров.

Тохиржон ХАМРОКУЛОВ олган суратлар.

Пойтахтдаги Темирйўл нилар саройида Ўзбекистон темир йўл транспорти ходимларининг касб байрамига бағишланған тантанали йигилиш бўлиб ўтди.


## ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР

 Мамлакатимиз бозор ислохотлари йўлидан ишонч билан бормокда ва у кудратли иктисодий салохиятга эга, - деди йигилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Исаев. - Республикада асосий кишлок хўжалик экини - пахта билан бирга, ғалла, полиз экинлари, мева, сабзавот ва бошка экинлардан юкори хосил олинади. Металлургия, кимё, машинасозлик нефт ва газ, авиация, автомобилсозлик саноати фаол ривожланиб бормокда.

Мамлакат темир йўл транспорти иктисодиётнинг барча тармокларининг баркарор фаолияти ва алокасини таъминлашда етакчи рол ўйнайди, десак муболаға бўлмайди.

Тантанали йигилиш катта байрам концерти билан якунланди

д. САИТОВА, ЎзА мухбири.



# ƏHF YNYF, ƏHF A3V13

хар бир ўзбекистонликнинг дил мулкига айланис

#### ДЎСТМУХАММЕДОВА, Узбекистон халк артисти:

Мустақиллик ўзбек миллати ва Ўзбекистонни бутун дунёга танитди. Яна Ватанимизни ўзимизга кайтариб берди. Шўролар даврида ўзбек халқи номини тилга олсак борми, миллатчига чикаришарди. Шукурки, такдиримизда ёруг кунлар бор экан. Истиклол деб аталган бу кунлар боқий бўлғусидир!

Нозима ДЕХКОНХЎЖАЕВА тиббиёт фанлари доктори, профессор, 1-даражали «Соглом авлод учун» ордени сохибаси:

Истиклол шахсан мен учун Ватан билан фахрланиш туйгусини берди. Каттаю кичикка бирдек севимли. Шоиримиз Мухаммад Юсуфнинг «Кўзлар қаросинда сақланг Ватанни» деган мисраларини кузимга суртиб укийман. Ватанни - Узбекистонни озод кўриш бахти мен учун хамма нарсадан азиз ва Абдулхай КАРИМОВ, хонанда:

- Шоир айтганидек, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Етганим бахтим, саодатим

Асосан мустақиллик йилларида эл-юртга танилдим. Дастуримда Ватанни мадх этувчи миллий кушикларим кўпайди. Мустабидлик даврида «Султонлар яшайди Туркистонда», дея куйлай олармидим? Асло.

#### Кимёхон ЙЎЛДОШЕВА, пенсионер:

- Шўролар замони одамни одам ўрнида кўрмас, унинг кадрини чилпарчин киларди. Куни билан далада терган кўсагимизни ке-

часи билан чувиб чикардик. Истиклол бизни инсон сифатида кашф этди. Қадрқимматимиз борлигини анг-

> «Халқ сўзи» мухбири г. ХУСАНОВА ёзиб

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

килиш масалалари ва тадбиркорлик кумитасининг йигилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Мухаммаджон Умаралиев бошкарган мажлисда «Чет эл инвестициялари тўгрисида» ва «Чет эл инвесторлари хукукларининг кафолатлари ва уларни химоя килиш чоралари тўгрисида»ги конунларнинг Наманган вилоятида ижросини ўрганиш натижалари мухокама килинди.

Иигилишда таъкидландики, вилоятга чет эл инвестицияларини жалб этиш, экспорт салохиятини ошириш, қушма корхоналар ташкил этиш, энг янги, замонавий технологияларни келтириш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмокда. Жумладан, вилоятда 67 та қўшма корхона давлат рўйхатидан ўтказилган. Улар Россия Федерацияси, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Польша, Чехия, Швейцария, Хитой ва бошка давлатларнинг корхоналари билан хамкорликда иш юритмокда.

Кушма корхоналар ташкил этилиши натижасида шу йил бошида 4967 киши иш билан таъминланди. Улар ишлаб чиқарган махсулот ва хизматлар хажми 6,31 миллиард сўмни ташкил этди. Экспортга чикарилган махсулотлар хажми 8,59 миллион долларликдир.

Вилоятда чет эл инвестициясини жалб этиш юзасидан олиб борилаётган ишларни ўрганиш жараёнида қатор камчиликлар ва муаммолар ҳам борлиги аниҳланди. Хусусан, жами рўйхатга олинган қўшма корхоналарнинг факат 60 фоизи фаолият кўрсатмокда. Тахлил шуни кўрсатдики, қўшма корхоналарнинг 42 фоизи

Наманган шахрида жойлашган бўлиб, туман ва шахарларда бир фоиздан ўн фоизгачани ташкил этади, холос. Айрим туманларда чет эл сармояси иштирокидаги қушма корхоналар тузилмаган, баъзиларида бори хам фаолият кўрсатмаяпти. Мингбулок, Наманган ва Учкўргон туманларида биттадан қушма корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг ишлаб чиқараёттан махсулотлари экспортбоп эмас. Умуман, вилоятда чет эл инвестицияси иштирок этган қушма корхоналар орасида факатгина 10 фоизигина четга махсулот чикаряпти. Улардан «СилкРоад», «Поп-Фен», «Косонсой-Текмен», «Аснам-текстиль» қўшма кор-

Қушма корхоналарнинг ўтган йилдаги асосий кўрсаткичлари ўрганилганда, экспортга чиқараётган махсулотларнинг хажми чет элдан олиб келинаётган хомашё хажмидан 2,5 баробар камлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, йирик корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб этишга ахамият берилиши билан биргаликда кичик ва ўрта бизнес субъектларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш суръатлари паст даражада. Кишлоқ хужалиги махсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чикариш са-

хоналарини келтириш мумкин.

рижий инвестициялар жалб этиш етарли даражада йўлга куйилмаган.

Икки йил бурун адлия бошқармаси томонидан 7 та, ўтган йили 16 та қўшма корхона «Чет эл инвестициялари тўгрисида»ги Конунда белгиланган муддатларда устав жамғармасини ташкил этмаганлиги ва фаолият кўрсатмаганлиги сабабли вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилган. Ва хўжалик суди қарор чиқариб, қушма корхоналар тугатилган. Энг ачинарлиси, чет эллик инвесторлар ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятларини бажариб боришлари ва тегишли туловларни ўз вактида коплашлари шартлиги тўгрисидаги талаб ҳам тўлиқ бажарилмаган. Натижада шу йил 1 апрел холатига кўра, вилоятдаги қушма корхоналарнинг қарзлари 193,1 миллион сўмни ташкил этмокда.

Йигилишда юқорида баён этилган камчиликларни ўз вактида бартараф этиш хамда «Чет эл инвестициялари тўгрисида» ва «Чет эл инвесторлари хукукларининг кафолатлари ва уларни химоя килиш чоралари тўгрисида»ги қонунлар талабларининг бажарилишини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш зарурлиги

Йигилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

э. КУРБОНОВ «Халқ сўзи» мухбири.

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Махкамасининг мамлакат иқтисодиётининг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида сўзлаган "Иктисодиётни эркинлаштириш - фаровонлик пойдевори" маърузасидан келиб чикадиган вазифалар тўгрисидаги масала мухокама этилди. Мажлисни олий

## «BATAHUM NCTHKAOANHN МУСТАХКАМЛАШГА ХИССА ҚЎШАМАН!»

Мажлисда мустақиллигимизни мустахкамлаш, ўтказилаётган ислохотларни чукурлаштириш, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан бажариш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Таълим-тарбия жараёнида миллий гоя, миллий мафкура рухи билан сугорилган ўкув дастурлари ва адабиётларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган даражада қайта ишлаб чиқиш ва янгиларини яратиш, профессор-ўкитувчилар таркибини такомиллаштириш ва таълимнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия жараёнларига ижодий ёндашув, ташаббускорлик кузатиляпти. Шу муносабат билан таълимтарбия жараёнларини такомиллаштириш, сифати ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қиладиган бундай ташаббусларни кенг ёйиш ва рагбатлантириш максадида "Ватаним истик-

корлар хам қатнашдилар.

қушаман!" шиори остида Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хамда Республика ректорлар Кенгашининг таълим муассасалари жамоаларига Му-

рожаатнома қабул қилинди. Мамлакатимиз XXI асрга кириб бормокда, - дейилади Мурожаатномада. жамиятимиз олдига янги вазифалар қўймоқда. Уларни муваффакиятли хал этиш хар бир фукаронинг бу жараёнда шахсий иштирокига, ижодий, масъулиятли муносабатига ва

манфаатдорлигига богликдир. Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиётига таълим тизимини янгиламасдан, уни ривожлантирмасдан, яъни мустакил жамиятнинг янги талаблари ва янгича ўлчовларига тула жавоб берадиган янги фукарони шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди. Бунинг учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда таълим тизимида фаолият кўрсатаётган барча хопрофессор-ўкитувчилар, талаба-ўқувчилар ва бошқаларнинг хар бири шахсан фаол иштироки, бу сохага қўшаётган шахсий улуши хакидаги туйгу ва максад билан яшаши зарур.

Мустақиллик шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг чинакам уйгунлашувига катта имкониятлар яратиб бермокда. Таълим тизимининг хар бир ходими мен бугун она-юрт тараккиёти ва фаровонлигига, унинг мустақиллигини, хавфсизлигини, барқарорлигини мустахкамлашга, шу заминда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаётнинг таъминланишига қандай хисса қушдим, деган саволни ўзига бериши ва ўз фаолиятида бу саволга фидокорона мехнати билан ўз виждони олдида жавоб бериши керак, дейила-

ди Мурожаатномада. Мажлисда Узбекистон Президентининг Давлат маслахатчиси Т.Рискиев сўзга

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАГИШЛАНДИ

лок хўжалик ходимларининг дон экишга тайёргарлик кўриш ва гўза парваришини жадаллаштиришга бағишланган йигилиши бўлиб ўтди. Унда республика вазирликлари ва идораларининг рахбарлари, туман ва шахар хокимлари, уларнинг кишлок хўжалиги ва иктисодиёт бўйича ўринбосарлари, қишлоқ хўжалигига дахлдор вилоят ташкилотларининг бошликлари, маъмурий идоралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Иигилишни вилоят хокими Б.Хамидов бошқарди. У мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг халк депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нуткида воха кишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётида вужудга келган қолоқлик чукур тахлил этилиб, бугунги кунда вилоят мехнаткашлари, барча даражадаги рахбарлар олдида турган долзарб вазифалар кўрсатиб берилганини таъкилади.

Иигилишда сўзга чикканлар 2000 йил об-хаво инжик-

Қашқадарё вилояти қиш- ликлари сабабли, вилоят қишлоқ хўжалиги учун оғир келганини қайд этдилар. Боз устига, қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил этишда хам муайян камчиликларга йўл қўйилди. Бугунги кундаги асосий вазифа ўтган мавсум сабокларидан тўгри хулоса чикариб, дон экиладиган ерларни сифатли шудгор қилиш, ҳамма жойда уруғнинг тўлик сепилишини таъминлашдан иборатдир. Сув тақчиллиги сезилаётган хозирги шароитда мавжуд хар бир имкониятдан тўлик фойдаланиш, гўза парваришини жадаллаштириш, пахта йигим-теримига пухта тайёргарлик кўриш зарурлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси И.Жўрабеков йигилишда сўзга чикди.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири - Агросаноат комплекси рахбари Т.Холтоев иштирок этди.

Абдужалол ТАЙПАТОВ, УзА мухбири.

## ишни дундирганга — "нексия"

"Уйчи машина-трактор парки" давлат акциядорхайдовчиси Иброхим Қўчкоровдан "Кейс"ни бошқариш осонми ёки "Нексия"ни?" деб сўрасангиз, "Иккиси хам бирдай", дейди кулиб. У мавсумда 1237 гектар майдондаги галлани ўриб-янчиб, вилоят бүйича энг юкори кўрсаткичга эришган эди. Куни кеча вилоят хокими Т. Жабборов мингдан ортик одам тўпланган катта йигинда унга мукофот тарикаси-

да "Нексия"нинг калити-

ни тантанали суратда топ-

Бу йил галлакорлар, Иброхим Кўчкоров сингари механизаторларнинг ғайрат-шижоати туфайли

> **"**Fалла-2000" **голиблари**

Наманган вилоятида катта ғалла хирмони бунёд этилди. Давлатга 204,9 минг тоннадан ортик сара дон топширилди. Гектарлар хосилдорлиги бултургига нисбатан 5 центнер юкори бўлди. Илгор пудратчилар эса хосилдор

етказдилар. Бу дехконга эркинлик берилгани, ер ўз эгасини топганининг самарасидир.

**Галла** ўрим-йигими мавсумининг якунига бағишланган йиғилишда, шунингдек, Учкўргон туманига "Дамас", Наманган туманига "Тико" автомобиллари берилди. Бир қатор фермерларга эса видеоиккилик, рангли телевизорлар топши-

**Кудратилла** нажмиддинов, "Халқ сўзи" мухбири.

#### "БЕКОБОДЦЕМЕНТ"НИНГ ЯНГИ МАХСУЛОТЛАРИ

жамияти республикамизда биринчи булиб сульфатга чидамли цемент тайёрлаш технологиясини ўзлаштирди. Халқ хўжалиги учун нихоятда зарур бўлган ушбу махсулот республикамиздан ташқаридаги истеъмолчиларга хам етказиб берилмокда. Йилнинг ўтган даври мобайнида бу ерда 250 минг тонна цемент ишлаб чикарилди.

Корхонада асбест қувурлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Диаметри 100 миллиметр, узунлиги уч метр бўлган янги махсулотдан истеъмолчиларга шу йилнинг ўзида 120 шартли километрини жунатиш режалаштирилмокда. Шунингдек, республика қурилишлари учун шифер етказиб бериш хам кўпайтирилмокда.

«ВОДИИ ОВОЗИ» ТАРОНАЛАРИ Анъанавий қушиқчилик буйича олий соврин қува-

Мустақилликнинг туққиз йиллигига бағишлаб Фар-

гонада илк бор ўтказилган «Водий овози» кўрик-тан-

лови қушиқ байрамига айланиб кетди. Анъанавий

кўшикчилик ва мусика, аския, миллий эстрада санъа-

тини ривожлантириш, янги истеъдодларни кашф этиш

мақсадлари кўзланган танловда водийдаги вилоятлар-

дан ташқари Тожикистон ва қирғизистонлик санъат-

сойлик катта хонанда Адхам Солиевга насиб этган булса, иккинчи ўрин Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Тўлкинжон Тожибоевга берилди. Миллий эстрада йўналишида Бахриддин Шаропов, кизикчилик ва аския саньатида Абдусамад Юсупов ва Анвар Неъматалиевлар голиб, деб топилди.

**Голибларга хомийлар томонидан таъсис этилган му**кофотлар топширилди.

> Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган холда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум киламиз.

Сессияолди ўйлари

## **КОНУНЛАР ХИМОЯЧИМИЗДИР**

умид қилиб яшайди. Бирон янгилик, фаровонликка ундовчи қарорлар, тинчликни таъминловчи битимлар тузилади-да уларда. Йигин ўтказишдан мақсад ҳам шу. Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясига элдошларимиз шу нуқтаи назардан хам кўз тикмокдалар, десам тўгри бўлади. Чунки унинг мухокамасига киритиш назарда тутилган масалалар жудаям эътиборлидир.

Узбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси кимни қизиқтирмайди, дейсиз. Шу юртда яшаган, шу Ватанни ошиён деб билган борки, қайси маблағ қаерга, нима учун сарфланганини ёки харакатсиз колдирилганини билишни истайдимийўкми? Истайди. Ёки «Бюджет тизими тўгрисида»ги Қонун лойихасига бефарқ бўлиш мумкин-

Шу чоққача қатор қонунлар қабул қилинди. Албатта, улар умумхалқ мухокамасига қўйилди. Бугунги ҳаёт шунчалар

**МУСТАКИЛЛИК** 

ИНШООТЛАРИ

«Конун лойихаларининг умумхалк мухокамаси тўгрисида»ги Конунга хам эхтиёж туғилди.

Конун — жамиятни юритувчи ва асровчи куч. Ундаги кудратнинг ўлчови йўқ. Шу сабабли у бутун бир давлатни ўз бешигида тебратади. Фукароларни тенгликда ушлайди. Инсоннинг бир маромда яшашини таъминлайди. Фукарони хам, жамиятни хам хар хил тухмат, бўхронлардан химоя килади. Табиийки, қонун хаётий эхтиёж махсулидир. Шунинг натижаси ўлароқ, «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўгрисида» Қонун лойихаси хам биринчи ўкишда депутатлар эътиборига хавола килинади.

Конун устуворлиги давлатимизнинг асосий тамойилларидан бири хисобланар экан, аввало, бунга эришиш учун қонунларимизнинг мукаммаллигини таъминлаш зарур бўлиб қолди. Замон шитоби шундай тезкорки, икки-уч йил бурун амалга киритилган баъзи қонунларда камчиликлар мавжудлиги сезилиб қолаяпталабидан келиб чикиб, уларнинг айримларига кушимча. узгартишлар киритилаяпти ёки янги тахрири ишлаб чикилмокда. Хусусан, «Судлар тўгриси-

да»ги Конунни олайлик. Бозор иктисодиёти олдимизга кўпгина вазифа, талабларни қўйди. Айниқса, судьяларнинг ихтисослашувига эхтиёж тугилди. Фукаролик иши бўйича, жиноят ёки хўжалик хукуки сохасидами, малакали судьяни тарбиялашга зарурат борлиги очик айтилди. Демак, «Судлар тўгрисида»ги янги тахрирдаги Қонун лойихасини ишлаб чикиш шу эхтиёжларни кониктиришга йўналти-

Мухокама қилиниши мўлжалланган «Почта алотўгрисида»ги, «Радиация хавфсизлиги тўгрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўгрисида»ги (биринчи ўкишда), ёрдами «Психиатрия тўгрисида»ги Қонун лойихаларининг хам мохияти бекиёслигини таъкидламаса бўлмас. Кайта-кайта айтиш керакки, булар хаётнинг икир-чикири эмас. Унда Ватанни асраш, миллатни, авлодни

сақлаш, Она-заминни авайлаш ва шу каторда ривожланган давлатлар каби алока хизматини яхшилаш назарда тутила-

Тўкин дастурхоннинг ижодкори — дехкон. У она-ер каби хаммани тўйдиради, бойитади. Феъли кенг унинг. Дехконларимиз табиий кийинчиликларга тез-тез дуч келаётганликлари куриниб турибди. Шу жихатдан «Кишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўгрисида»ги Қонун лойихасининг мухокамага қўйилиши долзарбдир. Аникки, у дехконга тог мисол суянчик бўлади. Унинг дехкончилигини бало-қазолардан асрайди. Иккинчи чакирик Ўзбе-

Олий Мажлисининг учинчи сессияси мухокамасига киритиш назарда тутилган ана шу масалалар билан таниша туриб, ўйланиб қолади киши. Халк катта йигиндан кутаётган бу натижанинг асл маъносини хаммамиз хам тўлалигича тушуниб етармиканмиз?! Мен барчамиз бунинг мохиятини тушунишимизни ис-Чунки хавфсизликниям, фаровон турмушниям, уйдаги хотиржамлигу ўгил-қизни ўкитиш, тўй килишниям амалда ишлаётган ва энди қабул қилинадиган конунлар химоялаб, қўриклаб туради.

кистон Республикаси

**Курбон ЭШМАТОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

Хўконди Латифда бир аёл бор. Янгиликка ўч, серғайрат, тадбиркор. Тўгри, айрим тадбиркор аёллар сингари у чет элларга бормаган, нуфузли давраларда ваъзхонлик хам килмаган. Бирок опани Кўконнинг каттаю кичиги яхши танийди. Танийдигина эмас, хурмат килади, эъзозлайди. Бу аёл «Наргиз-Дилором» автохизмат концерни бошкаруви раиси Дилором Алимовадир. Опа фарзандлари, неваралари куршовида айни ором оладиган ёшда. Бирок...

## «НАРГИЗ-ДИЛОРОМ»НИНГ Тадбиркорлик БЕОРОМ «ОПА»СИ

қариликни буйинга олиб, ўз оромини кўзлашга хеч кимнинг ҳаққи йўқ, — дейди опа. — Ахир Юртбошимиз тадбиркорлигу ишбилармонликка йўл очиб қуйганларида, биз қаридик, деб такдирга тан берсак, уят бўлар. Ишлаш даври кепибдими, ишлаш керак.

Уйларсиз, опа пенсия ёшида бўлса, қандай каромат кўрсатибдики, эл-юрт назарига тушибди, деб. Устига устак, айрим ёшлар дурустрок ишнинг этагини тутмаётган бир пайтда... Эллик тўрт ёшли аёл тадбиркорлик килиб, эл огзига тушишига, катта-кичик давраларда «опа» дея эъзозланишига сабаб нима?

Гап шундаки, Дилором опа тадбиркорликка кул урмасларидан олдин «Узгазлойиҳа» институтининг Кўкон филиалида дурустгина лавозимда мехнат қилардилар. Турмуш ўртоги Абдухалил ака эса қурилиш муҳандиси. Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиши опанинг кўнглидаги ташаббускорлик, гайратшижоатни юзага чикарди. Кўнглини ёстикдоши Абдухалил акага ёрди. Эътиборлиси шундаки, Абдухалил ака хам анчадан буён бирор-бир тадбиркорлик билан шуғулланишни ўйлаб юрган экан. «Майли, унинг тадбиркорлигидан одамлар хам, юрт хам

манфаатдор бўлсин», деди. Дастлаб опа ишни шахар марказида «Наргиз» деб номланган ширкат ташкил этишдан бошлади. Шахар таксомотор паркига ракобатчи сифатида «юз очган» «Наргиз» секин-аста оёкка тура бошлади. Тўгри, дастлабки йиллари осон кечмади. «Наргиз» юздан зиёд шахсий енгил машинаси бор хайдовчиларни бирлаштирди. Кўплаб тушунтириш ишлари олиб борилди. Уларнинг ижтимоий ва хукукий химояси «Наргиз»нинг зиммасига юкланди.

Шу тарика ширкат кенгая бошлади. Оиланинг сармояси «Наргиз»нинг моддий-техника базасини яхшилашга сарфланди. Энди у давлат транспорт корхоналари билан бемалол беллаша оладиган корхонага айланди. Кечагина киракашлик қилио юрган хаи довчилар аник йўналишга ва йўл варакасига эга «Наргиз» автохизмат корхонаси аъзоларига айланишди. Шунга кўра, хайдовчи касал бўлиб колса ёки моддий ёрдамга мухтожлик сезса, фирма худди давлат корхоналари сингари моддий ёрдам беради ва касал-

— Бугун хотиржам бўлиб, лик варақаси учун ҳақ тўлайди. Дам олиш уйлари ва санаторийларига имтиёзли йўлланмалар ажратади. Уй курмокчи бўлганларга эса имтиёзли ссудалар беради.

Ракобат кескинлашган сари автокорхонани кенгайтиришга эхтиёж орта бошлади. Бу орада «Наргиз»га аъзо булиш истагини билдирган шахсий «Раф», «Дамас» автомобиллари эгалари кўпайиб қолди. 1996 йили «Наргиз» «Наргиз-Дилором» автохизмат корхонасига айлантирилди ва «Узавтотранс» корпорацияси лицензиясини олишта муваффак бўлди. Бу нафакат Фаргона волийсидаги, балки республикалаги ягона мустакил транспорт хизмати корхонаси

Оддий киракаш хайдовчи-

моа 16 та йўналиш бўйича голибликни кулга киритди.

 Шахримизга келган мехмон, аввало, йўловчи ташиш транспортига иши тушади, тугрими? — таъкидлайдилар опа. — Агар ўша транспорт хайдовчиси мехмонга қўпол муомалада бўлса ёки қўрслик қилса, бу уларда ёмон таассурот колдириши табиий. Энг ёмони, мехмон илк сухбатдоши мисолида барча қўқонликлар хакида хулоса чикариши

Шу боис хам опа хайдовчиларидан хамиша ораста ва хушмуомала бўлишни талаб килали.

Опанинг эл огзига тушишига яна бир сабаб шуки, «Наргиз-Дилором» таксилари иккинчи жахон уруши қатнашчилари, Узбекистон Кахрамон-



лар хам ижтимоий, хам хукукий химояланган ишчиларга айланишди. Бундан нафакат ўзлари, балки давлат хам манфаатдор бўла бошлади. Дастлабки йили салкам 7 миллион сўмлик фойда келтирди. «Наргиз-Дилором»га аъзо бўлиб кирган хайдовчиларнинг транспорт воситалари ижарага олиниб, унинг асл киймати хисобидан мулк солиги туланди. Транспортнинг жорий таъмири корхона маблаги хисобидан амалга оши риладиган булди.

 Ишни йўлга солиш осон кечмаган, — дейди Дилором опа. — Ракобатчиларимиз баъзан холис, баъзан нохолис таъна-дашномлар килишди хатто йўналишимизга халакит берган холлар хам бўлди. Яхшики, биз қонунларни, ўз ҳақсукимизни яхши оиламиз.

Бу орада ахолига хизмат курсатиш маданияти ва сифатини ошириш, йўловчилар транспортида бозор ракобати мухитини яратиш максадида Қўқон шахар транспортида очик тендер эълон килин ди. Ана шу тендерда муваффакиятли иштирок этган жа-

лари, черноблчилар, байналмилалчилар, 1-гурух ногиронлари ва 10 ёшгача бўлган болаларга бепул хизмат кўрсатади. Айникса, байрам кунлари каттаю кичик яйраб қолади: барча йўналишлар бўйи-

ча 40 та микроавтобус ахоли-

га тўлик бепул хизмат кўрса-

Айни пайтда «Наргиз-Дилором» шахар ва шахар атрофи туманлари ахолисининг олтмиш фоиздан зиёдига транспорт хизмат кўрсатаётир Ахолига кулайлиги шундаки. йўналиш вакти чегараланмаган. Йуловчи борми, манзилга элтиб кўйиш бурч. Яна бир афзаллиги йўл хакларининг давлат транспортидан арзон-

Хозир корхона ўз автосаройига, устахонасига, шунинг-1ек, водиининг бир неча вилоятлари, хусусан, Шахрихон, Маргилон, Кува шахарларида филиаллари, Фаргонада эса автохизмат корхонасига эга. Шунингдек, Наманганда хам филиал очиш учун харакат давом этаяпти. Техника воситаларининг узлуксиз ва бешикаст ишлашини таъминлаш

ойига бир марта техника назорати кўригидан ўтказилади

Айни кунларда «Наргиз-Дилором» ўз хизмат доирасини янада кенгайтириш ниятида «СамкочАвто» корхонасидан 10 та «Отойўл» автобуси сотиб олиш тараддудида.

Айрим фирма, корхоналар карзлар боткогига ботиб бораётган бир пайтда «Наргиз-Дилором»нинг хеч бир ташкилотдан қарзи йўқ. Аксинча давлатга миллион-миллион сўм фойда келтираяпти, икки юздан ортик кишини доимий иш билан таъминлаяпти, ойлик маошларини вактида бериб бораяпти

— Бу билан «Наргиз-Дилором»да муаммонинг ўзи йўк экан, деган хаёлга борманг суҳбатга қўшилади опанинг турмуш ўртоғи, автохизмат корхонаси қошидаги корпора ция бошкаруви раиси Абдухалил Алимов. — Баъзан солик инспекциясининг айрим ходимлари чарчатиб юборишади. «Патентинг йўқ» деб хайдовчиларимизнинг хужжатларини олиб қуйишади. Вахоланки, биз давлат руйхатидан ўтган корхона - юридик шахс хисобланамиз. Хайдовчиларимиз эса киракашлар эмас корхонадан маош олиб ишлайдиган хайдовчилардир Корхона эса солик идорасига соликларнинг барча турини ўз вактида тўлаб боради. Энг ажабланарлиси, хайдовчилар хужжатларини юридик шахслар билан ишлайдиган бўлим эмас, жисмоний шахслар билан ишлайдиган булим ходимлари олиб қўйишади. Уни тушунтиргунча қанча вақт ва асабингиз кетади.

Хар не бўлганда хам, «Наргиз-Дилором» ойдин йўлга чикиб олди. Унинг сохибаси Дилором Алимова эса ўз ишидан қониқиш хосил қилганича йўк. Доимо изланишда, хара-

Фарзандлари, келину набиралари даврасида ястаниб қариялар — Дилором опа, Абдухалил акага хавас билан бокарканман, бир устознинг «Қалбида эзгулик яшайдиган одам энг бахтли одамдир», деган сўзлари ёдимга тушди. Шу азиз Ватан ободлиги, шу да ором билмай мехнат қилаётган инсонлар ундан-да бахтли инсонлардир, дегим

Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: Дилором Алимова жамоа даврасида.

кари, буйрукда кўрсатилган

#### лат ахамиятига молик вазифа қилиб қўйилмоқда. Шу боис барча минтакаларда шошилинч тиббий ёрдам марказининг филиаллари барпо этилмокда. Термиз шахрида бунёд этилаётган 140 ўринли шифо маскани - шулар-

Бугун ахолини ижтимо-

ий химоя килиш, саломат-

лигини мухофазалаш дав-



дани бири. Айни кун-«Сув махсус созлаш» хиссадорлик жамияти жамоаси икки сменада мехнат қилмоқда. Уларнинг максади бинони мустақилликнинг 9 йиллиги арафасида фойдаланишга топширишдир.

СУРАТЛАРДА: вилоят «Сув махсус созлаш» хиссадорлик жамияти ишчиси Ортикбой Зулфиев иш устида; бинонинг умумий кўриниши.

Тохиржон **ХАМРОКУЛОВ** олган суратлар.

фабрикасида жорий йилнинг олти ойида 5 миллион 527 минг погон метр буз ишлаб чикарилди. Бу белгиланганидан 677 минг погон метр купдир. Агар буни сумга чақадиган булсак, 271 миллион 423 минг

«Бухоротекс»

акциядорлик

жамиятининг

Олот тукув

тайерланди. Барча солик туловларидан ташкари 3 миллион 666 минг сум соф фойда олинди. Сифатли махсулотлар ишлаб

сўмлик ўрнига

сумлик товар

миллион

330

339

чикаришда Фарход Курбонов, Музаффар Шукуруллаев, Шомурод Яхшиев, Мурод Очилов, Саодат Қандимова, Гавхар Хўжакулова сингари мутахассис ва ишчиларнинг хизматлари катта

«Туркистон-пресс».

Аслида Навоий туманида туғилган Шукуров Ўктам эндигина 23 ёшга тўлди. У тенгилар бугунги кунда касбхунар ва маълумот олиш учун мамлакатимизлаги барча имкониятлардан фойдаланиш-

моқда. Уктам ҳам илм олишга ҳаракат қилди. Касб-ҳунар коллежини тугатиб, бинойидек рассомлик хунарини эгаллади. 1998 йилда Навоий шахридаги қурилиш коллежига ўқитувчи бўлиб ишга кирди. Уч-тўрт кун коллежда савлат тукиб юрди-ю, лекин бўйнига миниб олган шайтонга тез таслим бўлиб, енгил, мехнатсиз бойлик орттириш йўлига ўтиб олди. Коллежда ўкиётган Рахмонов Жамшидга ўзининг ўкув юртларига киритишга кобилияти борлигини тушунтирди. Бу Рахмоновга сувдек зарур эди. Сабаби - опаси Гулрух бир неча йилдан бери ўкишга кира олмасдан юрганди. 1998 йилнинг кузида ўкувчилар пахта теримига жалб килиниши муносабати билан домла Шукуров Қизилтепага - Рахмоновлар хонадонига мехмондорчиликка борди. Уқитувчиси келганлигидан хурсанд бўлган Рахмоновлар оиласи уни иззат-хурмат билан кутиб олишди. Уз навбатида Уктам хам ўзини обрўлилардан эканлигини, қўлидан анча ишлар келишини айтиб, мезбонларнинг ишончини қозонди. Гулрухни шартнома асосида Навоий педагогика билим юртига киритишга ваъда бериб юборди. Шундан кейин Рахмоновлар шартнома пули деб унга 30 минг сўмни тутқазишди. Шукуров хам анойилардан эмасди. Дархол Гулрух 200 балл олиб педагогика билим юртига ўкишга шартнома асосида кабул килинганлиги тўгрисида маъ-лумотнома ёзиб берди. Аммо Гулрух билим юртига бир неча марта борсада, унга ўкишга кабул килинмаганлиги тўгрисида жавоблар айтилди. Рахмонованинг отаонаси Шукуров Уктамга қатнашни канда килмасди. Шун-

дан кейин домла ноилож қолиб, ҳақиқатан қизларини ўкишга киритганлиги учун 30 минг сўм олганлиги тўгрисида тилхат ёзиб берди. Рахмоновлар шу тарика икки ойлар чамаси зув катнадилар. Лекин Уктам уларни хар сафар алдаб юраверади. Шундан сўнг Рахмоновлар Шукуровнинг кирдикорлари тўгрисида вило-

ўтказди. Ўктам эса четда туриб, унинг тажрибасини урганди. Бу орада «Абдужабборов Улмасбек» деган лақаб хам орттириб олишга улгурди. «Кўр кўрни қоронғида топади» деганларидек, Юнусобод тумани, 14-даха, 35-уй, 49-хонадонда яшовчи Мусаева Гулчехра билан таниша қолди. Бу қиз ҳам шу кунлари ота-онаси билан уришиб колиб, уйидан чикиб кетган эди. Уктам унга ота-онаси прокуратура органларида ишлашлигини айтади. Уйи ремонт бўлаётганлиги учун, вақ-

киб юборди. Мўмайгина пулнинг дарагини эшитган Чен цов хеч бир суриштирув ўтказмасдан, ишни бошлаб юборди. Эртаси куни буюртмани деярли бажариб куйди. Шунда Улмасбек Ченцовга бланклар, буйруклар, гувохномалардан намуна ва думалок мухр билан штампларни рахбариятга кўрсатиб келишликни, агар улар маъкулласа, пулни ўтказиб, қолган буюртмаларни хам олиб кетишни таклиф қилди. Ўз навбатида Ченцов хам унга ишонди. Улмасбек ишончни мустахкамлаш учун телефон килиб, буюртмалар рахбар-

опаси бўлмиш Гулбахорга ўз мақсадини айтади. Ва унга хам сохта гувохнома бериб, назоратчилар сифатида Жиззах вилоятига келадилар. Fаллаорол туманига карашли Кизилкургон кишлогида жойлашган Суюнов Алишер мулирлик килаётган ошхонага киришади. Кискаси, санитария талабларига жавоб бермасликни айтишиб, ошхонани ёпмоқчи бўладилар. Бундан чўчиган Суюнов дархол ялинишга тушиб, уларни овкатлантиради, қулларига ун минг сўм кистириб юборади. Йўлга чиққан олғирлар шу куни ке-

калар олишни хам унутмади. Шундан сўнг Навоий шахар дехкон бозоридаги ошхоналарни текшириш бошланди. Шунда денг, яъни иш энг авжига чиккан паллада Улмасбек — Уктамнинг жияни келиб қолса бўладими! Буям етмагандек, тоғасини чақириб саломлашмокчи бўлади. Сир очилишидан қўрққан тоға жиянига кўзини тик килиб, "Мени кимгадир ўхшатаяпсан, янглишдинг, менинг исмим Улмасбек", деб юборади. Жиян кўзларига ишонмасдан хайрон колаверди.

Текширувчилар дастлаб

рахбар ишламаслигини хам аниклайди. Бу хакда зудлик билан Навоий вилоят ички ишлар бошқармасига хабар қилинади. Бунгача Улмасбек ва Гулбахорлар яна учта ошхонани текшириб "жазолашга" улгурган эди. Вилоят ички ишлар бош-

кармаси ходимлари бозорга келганларида фирибгарлар чарчашиб, ўзлари текширган ошхоналарнинг бирида мазза қилиб овқатланишаётган Шу ўринда баъзи масала-

лар кишини ажаблантиради. Нега хамон бепарволик давом этмокда? Тошкентдек шахри азимда бир қаллобни сўраб-суриштирмасдан одамлар куёв килиб олиб, уйида ардоклаб юрса. Мўмай пул дарагини эшитган "Черси" рахбари Ченцов жаноблари ўйламасдан ва шахсини текширмасдан, қаллобнинг қўлига масъул идора номи битилган мухим хужжат ва мухрларни бериб юборса. Навоий шахар санитария эпидемиология станцияси рахбарлари охиригача сўрамай-суриштирмай, қаллобларга ўзларининг вакиллари, милиция ходимларини хам қўшиб юборса. Бунинг устига, бир ярим йилдан буён кидирувда бўлган Шукуров-га енгиллик беришлик тўгрисидаги Бухоро вилоят Кенгаши депутати ва "Бухороишариф" фукаролар йигини раиси судга илтимоснома ки-

Суд хукми билан фирибгар Шукуров Уктам узок муддатга озодликдан махрум этилди. Гулбахорнинг пушаймонлиги, оиласиз икки бола тарбиялаётганлиги хисобга олиниб, у 3 йилга ахлок тузатиш ишига жалб килинди. Суд томонидан юқорида кўрсатилган мутасадди ташкилот рахбарларига нисбатан

Навоий шахар

## тинчалик Гулчехраларникида ёки бир фирибгарнинг "супер" найранглари хақида

## ИЯНИНИ "ТАНИМАГАН" ТОFA

ят ички ишлар бошкармасига ариза билан мурожаат қилдилар. Шукуров эса буни сезиб қолиб, Тошкентга қочиб кет-

Уктам Тошкентга 1998 йил охирларида келиб, қандай яшаш сирларини ўргана бошлади. Уз навбатида фирибгарлик малакасини хам ошира борди. Халимов Уктам деган устоз орттирди. Дастлаб улар бозорларни кезишди. Бозорда ким қандай тирикчилик қилишини кузатдилар. Олдин аравачалар судрашди. Бўлмади шекилли, олибсотарлик қилишди. Охири солиқ назоратчиларининг ишини кузатишга киришдилар. Лекин бунинг учун махсус кийимлар керак эди. Қараса, энг осонроги санэпидстанция назорати дурустрок экан. Санитария назоратчилари жойинг расво, тозаликка тўгри келмайди, деса, ким бўлсаям ялинишга тушиб, ёрдам беришликни сурайди. Сабаби — бозорлардаги ошхоналарда, хакикатан хам, шароит ўзига яраша. Бир-икки сафар устози Туйтепа бозорларида "текшириш"

яшаб туришни ва алкисса, кизга уйланишлигини билдиради. Бу хол Гулчехра ва унинг ота-оналари бошини кукларга кутариб юборди. Карашсаки, Улмасбекнинг кийимлари унчалик эмас, дархол куёв кийимларини сотиб олишиб, дўсту душман, қўни-қўшнилар олдида сохта обруларини оширдилар. Улар ўзбекчилик урф-одатлари - совчилик. куда танишиш, тўй ва бошка орзу хавасларни хатто ўйлаб хам кўрмадилар. Ўлмасбек қайнатаси ва қайнонаси орзукилганидек, уйдан гоз юриш килиб, "ишга" кетиб-келиб юраверди. Охири яна навбатдаги найрангни ўйлаб топди ва Тошкент шахридаги "Черси" масъулияти чекланган жамиятига бориб, жамият раиси В. Ченцовга ўзини республика санитария назоратчиси, деб таништиради. Санитария назорати маркази учун кўп миқдорда хар хил бланклар. кукрак нишонлари, хизмат гувохномалари, буйруклар, мухр ва штамплар буюртма бериб, эвазига уч ярим миллион сўмлик шартномага имзо че-

ри бўлганлиги учун, хозирча имконияти йўклигини, янги йил бошида пулни ўтказиб, қолган буюртмаларни олиб кетишни айтиб, Ченцовни тинчлантирди. Улмасбекка ўйлаган нияти-

ларга ёққанлигини, йил охи-

ни амалга ошириши учун транспорт сув ва хаводек зарур эди. У шу максадда "Чорсу" бозорига бориб, тошкентлик Мирхалил Юсуповни учратиб қолади. Мирхалил ўзининг 10 Н 0065 ракамли "Нексия"сида киракашлик киларди. Шунда Улмасбек "Черси" фирмасидан олган мухр ва гувохномалардан ясаб олган сохта «Республика санитария назорати ходими» деган гувохномани Мирхалилга кўрсатиб унга хайдовчи бўлиб ишлашликни, ойига 30 минг сўм пул беришликни, машина бензини ва эхтиёт кисмларини ва овкатланишни буйнига олишликни, бор-йўги хар ойда бир икки марта вилоятларга текширишга чикишни таклиф қилади. Таклиф Мирхалилга мойдек ёкиб тушади. Шундан сўнг Улмасбек Гулчехранинг станцияси бошлиги А.Кимга учрашадилар. Бу топширикнинг тепасида шахсан согликни саклаш вазири турганлигини, шу сабабли, текшириш ўтказишни хатто вилоят СЭСи хам билмаслигини уктиради. Уз навбатида ўзи томонидан барча вилоятларда текшириш ўтказиш тўгрисидаги сохта буйрукни кўрсатиб, дархол мехмонхонада назоратчилар учун жой буюришни, пулини утказиб беришликни, текшириш учун вакиллар ва милиция ходимлари хам беришликни Кимга таъкидлайди, Ким бўлим бошлиғи Уразов Уктамни текширувчиларга вакил қилиб қушиб беради ва ша-

беришга ёрдамлашади. Шундай қилинмаса, текшириш хакконий чикмасди. Улмасбек шахар санэпидстанциясидан "Кавказ асираси" фильмидагидек халатлар, мас-

